

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2022 йил апрель ойининг [REDACTED] куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро вилоят Давлат солиқ бошқармаси биносидан, сайёр суд мажлисида, судья Ж.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси - Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], гумон қилинувчи [REDACTED], жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] ва жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили Г.Гариеваларнинг иштирокида,

[REDACTED] ўғли / [REDACTED] [REDACTED] / - 2001 йил 20 апрель куни [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, БухДУ 3-босқич талабаси, [REDACTED] туман “ [REDACTED] ” МФЙ “ [REDACTED] ” қишлоғида яшайди;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2001-2204/[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, [REDACTED] ўғли 2022 йил 8 март куни тахминан соат 18:50 ларда ўз бошқарувида бўлган “Спарк” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинани Бухоро шаҳар “Мустақиллик” кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб, автомашинани “ [REDACTED] ” бозори томонидан Бухоро шаҳар 3-сон ИИБ чорраҳаси томон бошқариб, Бухоро шаҳар касалхонаси тўғрисида етганида, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 1-боб 3-бандидаги, йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йулларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги, йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 2-боб 11-бандининг “г” кичик бандидаги, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурлигига, 11-боб 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклигига, тезлик ҳайдовчига



ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб ҳаракатланиши оқибатида, ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг чап томонидан ўнг томонига қараб йўлни кесиб ўтаётган вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] ўғли ва [REDACTED] [REDACTED] ўғлини автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилган. Натижада вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] ўғли оғир тан жароҳати ҳамда вояга етмаган [REDACTED] ўғли енгил тан жароҳати олиб, РШТИЁМ Бухоро филиалига даволаниш учун ётказилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Бухоро шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED] ўғли суд мажлисида ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, жабрланувчиларнинг қонуний вакили [REDACTED] ва [REDACTED] ҳамда уларнинг оила аъзоларидан кечирим сўраганлигини, жабрланувчилар билан ўзаро ярашганликларини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини билдириб, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] [REDACTED] суд мажлисида, гумон қилинувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, гумон қилинувчи [REDACTED] ундан кечирим сўраганлигини ва у кечирганлигини, унга етказилган моддий зарар гумон қилинувчи томонидан тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазйиқ ўтказилмаганлигини, гумон қилинувчи билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] [REDACTED] суд мажлисида, гумон қилинувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, гумон қилинувчи [REDACTED] ундан кечирим сўраганлигини ва у кечирганлигини, унга етказилган моддий зарар гумон қилинувчи томонидан тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазйиқ ўтказилмаганлигини, гумон қилинувчи билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроқ бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва унга етказилган зарарнинг ўрнини қопласа, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жиноят иши хужжатлари, қонуний вакил [REDACTED] [REDACTED] ва [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] хамда гумон қилинувчи [REDACTED] ўғлининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED] нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи ўз айбига иқроқлигини, жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, уларга бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганлигини, ярашув ихтиёрийлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини томонлар ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ўғлига нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ўзаро ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан 20 /йигирма/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига эса ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.М.Тожиев

Нусхаси аслига тўғри.

